



Халқ сўзи

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 22 июль, № 148 (9319)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИҚТИСОДИЁТДА ЮҚОРИ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 21 июль куни ҳудуд ва тармоқларда ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича жорий йилнинг биринчи ярмида эришилган натижалар ва йил якунигача амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йил бошидан мамлакатимиз иқтисодиёти 8,5 фоизга ўсди. Саноатда 8 фоиз, хизматларда 16,9 фоиз, қурилишда 13,8 фоиз, қишлоқ хўжалигида 4,7 фоиз ўсиш таъминланди. Инвестициялар ҳажми 28 миллиард долларга, экспорт 14,4 миллиард долларга етди. “Fitch” ва “Moody’s” халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимиз суверен кредит рейтингини бир поғона яхшилади.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари 40 миллионли аҳоли ҳаётини яхшилаш учун 9-10 фоизли иқтисодий ўсиш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун ҳудуд ва тармоқ раҳбарлари мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиши, ҳар бир лойиҳа ва ҳар бир корхона бўйича аниқ натижага ишлаши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда ҳудуд ва тармоқ раҳбарларининг олти ойлик режалари ижроси танқидий таҳлил қилинди. Айрим ҳудудларда ялпи ҳудудий маҳсулот, қурилиш, инвестиция, саноат ва экспорт кўрсаткичлари бўйича заҳиралар тўлиқ сафарбар этилмагани қайд этилди. Ойлик, чораклик ва йиллик режаларни бажармаган раҳбарларга нисбатан масъулият кучайтирилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир вазир ва ҳокимнинг иши одамларнинг яшаш маданиятида сезилмаса, тадбиркорларнинг оғирини енгил қилмаса, ҳар қандай натижа фақат “қоғоздаги рақам” бўлиб қолишини таъкидлади. Шу боис жойларда инфратузилма, бандлик, тадбиркорлик ва аҳоли даромадини ошириш бўйича ишлар мутлақо янги ёндашув асосида ташкил этилади.

Йиғилишда “маҳалла еттилиги” фаолиятини янгилаш таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада “Долзарб 40 кунлик” эълон қилиниб, 2 мингта энг оғир маҳаллада ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бошланди. Ҳокимлар ушбу маҳаллаларда электр, газ, йўл ва сув масалаларини ўз вақтида ҳал қилишга шаҳсан жавобгар бўлади.

Бандлик тизими эҳтиёжманд аҳолини ўқитиш, ишга жойлаштириш ва даромадини ошириш бўйича ҳудудма-ҳудуд ишлайди. Банклар ва маҳалла уюмлари фаолияти ҳам қайта кўриб чиқилиб, кейинги уч ой улар учун амалий аттестация даври бўлиши белгиланди. Маҳаллаларда ободлик, озодалик ва яшаш маданиятини юксалтириш бўйича ҳам аниқ вазифалар қўйилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бизнес муҳитини яхшилаш масалалари ҳам

муҳокама қилинди. Ҳозир 51 та вазирлик ва идорада 322 та йўналишда молиявий жарима қўллаш ваколати борлиги, 2024 — 2026 йилларда қарийб 3 триллион сўмлик жарима қўлланилгани қайд этилди. Президентимиз назорат қилувчи идоралар тадбиркорга аввал имконият бериши ва тўғри йўл кўрсатишни ўрганиши кераклигини таъкидлади.

Ташқи бозорларда рақобат кучайиб бораётган бир пайтда экспортчилар учун тўлов, йиғим ва ортиқча харажатларни камайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Барча вазирлик ва идораларга тизимидаги бюрократия, жарима, тўлов ва йиғимларни қисқартириш, бизнес муҳитини янада яхшилаш бўйича таклифлар киритиш топширилди.

Саноат ва экспорт кўрсаткичлари ҳам танқидий кўриб чиқилди. Айрим туман ва шаҳарларда саноат ўсиши суръати пайсаяни, экспорт бўйича қутилган ўзгариш бўлмагани қайд этилди. Бош вазирга натижа кўрсатмаган ҳокимлар фаолиятини кўриб чиқиш, тўққиз ой якунига қадар ўзгариш бўлмаса, масъул раҳбарларга нисбатан қатъий чора кўриш топширилди.

Стратегик корхоналар харажатлари таҳлилида айрим йирик корхоналарда маҳсулот таннарихи ошгани кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, энергетика тармоқларида йўқотишлар юқорилиги, электр энергияси ва газ тақсимида самарадорликни ошириш зарурлиги таъкидланди. Йирик компанияларнинг бозор қўяматини ошириш, IPO жараёнларига тайёрлаш ва ташқи инвесторлар учун жозибадорлигини кучайтириш вазифаси қўйилди.

Солиқ тушумлари йил бошидан 27 фоизга қўпайиб, 130 триллион сўмдан ошган бўлса-да, қўшимча тушум бўйича йиллик режа етарли даражада бажарилмаётгани танқид қилинди.

Ишлаб чиқаришни тиклаш ва хусусийлаштириш бўйича ҳам муҳим вазифалар белгиланди. Ҳозир айрим тўқимачилик корхоналари ишламай тургани оқибатида 5 триллион сўмлик маҳсулот ва 400 миллион долларлик экспорт имконияти бой берилмаётгани айтилди. Йил бошидан 57 та тармоқ ва 76 та ҳудудий корхона ишлаб чиқаришни 11 триллион сўмга камайтиргани ҳам танқид қилинди.

Мутасаддиларга ишламай турган корхоналарни бирма-бир таҳлил қилиб, улар фаолиятини тиклаш топширилди. Шунингдек, янги хусусийлаштириш дастури доирасида 100 триллион сўмлик қўчмас мулк, ер майдонлари ва давлат улушларини сав-

дога чиқариш, давлат активларини олган тадбиркорлар учун тўлов шартларини енгиллаштириш белгиланди.

Сўнгги уч йилда 11 миллиард долларлик 509 та экспортбоп қувват ишга туширилган бўлса-да, уларнинг 208 таси ҳали экспортга чиқмаган. Агар ушбу корхоналар маҳсулотининг камида 30 — 40 фоизни ташқи бозорларга йўналтирилса, қўшимча 1,5-2 миллиард доллар валюта тушуми таъминланиши мумкин.

47 та махсус иқтисодий зонанинг 29 тасида йил бошидан буён умуман экспорт бўлмагани ҳам танқид қилинди. Мутасаддиларга “тезкор бригадалар” ташкил этиб, экспортга чиқмаган корхоналар ва махсус иқтисодий зоналарда сертификат, айланма маблағ, бозор ва логистика билан боғлиқ масалаларни тезкор ҳал қилиш топширилди.

Миллий брендларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам вазифалар белгиланди. Сўнгги икки йилда бу йўналишда 15,5 миллиард сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилган. Лекин ўз брендини рўйхатдан ўтказган маҳаллий корхоналарнинг учдан бири ҳали экспортга чиқмаган. Шу боис маҳаллий брендларни ташқи бозорларга олиб чиқиш ва уларни демпинг ҳамда контрафакт маҳсулотлардан ҳимоя қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилади.

Ташқи савдо юқларининг 70 фоизи темир йўл орқали ташилиши, бироқ бу йўналишда тадбиркорлардан эътирозлар кўплиги қайд этилди. Юк вагонларининг етишмаслиги, айрим темир йўл линияларида юклама юқорилиги сабабли логистикада қийинчиликлар юзага келмоқда. Мутасаддиларга қўшимча вагонларни жалб қилиш, темир йўл инфратузилмаси учун Жаҳон банкдан 200 миллион доллар маблағ жалб этиш бўйича келишувга эришиш топширилди.

Олий даражадаги таширлар доирасида эришилган келишувлар ижроси ҳам кўриб чиқилди. Сўнгги йилларда 52 та ташир давомида 213 миллиард долларлик 1 минг 617 та инвестиция лойиҳаси бўйича келишувларга эришилган. Энди ушбу “йўл хариталари” ижроси Ҳисоб палатаси ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан қатъий назорат қилинади.

Бош вазирга ҳар ҳафта тармоқ раҳбарлари, ҳокимлар ва элчилар билан бирга лойиҳалар ижросини давлатлар кесимида муҳокама қилиш топширилди. Президент Администрацияси олдига иқтисодий дипломатия, инвестиция ва экспорт бўйича дипломатик ваколатхоналар фаолиятини

қайта кўриб чиқиш, ўз вазифасини бажара олмаётган раҳбарлар ўрнига ёш ва замонавий фикрлайдиган кадрларни тавсия этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда инфляцияни жиловлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Вилоят ҳокимлари январь — июнь ойларида инфляцияни 3 фоиздан оширмасликни мақсад қилган бўлса-да, аксарият ҳудудларда бу вазифа бажарилмагани қайд этилди. Гўшт нархи ошгани муносабати билан импорт гўштни самолётда ташиш харажатларини қоплаш учун 300 миллиард сўм ажратилгани айтилди.

Қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш натижалари чорвачиликдаги ҳақиқий ҳолатни кўрсатиб бергани таъкидланди. Чорвачилик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча маблағлар йўналтирилади, йил якунигача четдан 100 минг бош қорамол ва 150 минг бош қўй-эчки олиб келиш вазифаси қўйилди.

Мева-сабзавот ва картошка захирасини шакллантириш, совиткичли омборлар қуриш ва озиқ-овқат жамғармаларини тўлдирish бўйича ҳам аниқ чоралар белгиланди. Йил якунигача 87 минг тонна қувват эга 340 та совиткичли омборни ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари глобал иқтисодиётдаги нозаникликлар қанча давом этишини ҳеч ким олдиндан айтма олмаслигини қайд этди. Асосий ҳамкор давлатларда иқтисодий фаоллик секинлашаётгани маҳаллий корхоналаримизга, айниқса, экспортчиларга таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу сабабли барча раҳбарлар ҳар қандай хатари ҳисобга олган ҳолда ўз заҳираларини сафарбар қилишга тайёр бўлиш шартлиги таъкидланди. Тармоқ ва ҳудудларга бириктирилган “ақл марказлари” билан бирга 15 августгача илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилади.

Ушбу таклифлар “ресурс — инфратузилма — лойиҳа — ишлаб чиқариш — бюджетга тушум — экспорт” занжирини ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантиришга қаратилган бўлади. 2027 йил учун макроиктисодий параметрлар, бюджет, инвестиция ва экспорт дастурлари янгича ёндашув — “сафарбарлик сценарийси” асосида тайёрланади.

Йиғилишда вазирлар, тармоқ раҳбарлари ва ҳокимларнинг ҳисоботлари, белгиланган топшириқлар ижросини жойларда ташкил этиш бўйича режалари тинг-

ўз.

ДАВЛАТ ХАРАЖАТЛАРИ МАРКАЗИДА — ИНСОН МАНФААТЛАРИ

Юртимизда ижтимоий ҳимоя тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мазмунан мутлақо янги босқичга кўтарилди. Агар аввал ижтимоий ҳимоя, асосан, нафақалар ва моддий ёрдамлар бериш билан боғланган бўлса, бугунги кунда мазкур тизим инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини ҳар томонлама баҳолаш, унинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ҳамда жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун имконият яратишга қаратилган комплекс сиёсатга айланди. Бу — ижтимоий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири бўлиб, инсонни ижтимоий ёрдам объекти сифатида эмас, балки мамлакат тараққиётининг асосий иштирокчиси ўлароқ қўришни англатади.

Фикр

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ташкил этилиши билан ижтимоий ҳимоя соҳасида тарқоқ бошқарув тизими ўрнига ягона давлат сиёсати шаклланди. Бу эса ижтимоий хизматларни мувофиқлаштириш, уларнинг сифати ва манзиллигини ошириш, давлат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда аҳоли муурожаатларига тезкор муносабат билдириш имкониятларини кенгай-

тирди. Энг муҳими, янги тизим ҳар бир инсоннинг эҳтиёжи ва ҳаётий шароитини алоҳида баҳолашга асосланган ёндашувни қарор топтирмоқда.

Бу борада рақамлаштириш жараёнлари ҳам муҳим аҳамият касб этапти. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимининг жорий қилиниши ижтимоий хизматларнинг шаффофлигини таъминлаш, инсон омилини қисқартириш ва эҳтиёжманд оилаларни аниқлашнинг адолатли механизми-рини шакллантирди дейиш мумкин.



ХАВФСИЗ МУҲИТ — КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТНИ ЯХШИЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Миробод тумани Кенгашининг қўшма мажлисида жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид Президент қарорлари ижроси, шунингдек, Миробод туманида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги атрофича муҳокама қилинди.

Муҳокама

Унда Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Бурҳонов, Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, халқ депутатлари Миробод тумани Кенгаши депутатлари, туман ҳокими, ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси мутасаддилари ҳамда тегишли давлат

органлари ва ташкилотларнинг масъул вакиллари иштирок этди.

Ҳисобот даврида аҳоли билан манзилли ишлаш, ижтимоий профилактикани кучайтириш, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, хавфсизлик инфратузилмасини ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилган.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ СОҲАСИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва пенсия таъминоти соҳасидаги долзарб масалаларга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда депутатлар, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Кабминга қарашли қисқартириш ва бандлик, Адлия вазирликлари мутасаддилари иштирок этди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўпамли ислохотлар олиб боришмоқда. Жумладан, пенсия ва ижтимоий тўловлар миқдори мунтазам оширилаётир, пенсия тайинлаш жараёнлари соддалаштирилмоқда, электрон маълумотлардан фойдаланиш ва проактив хизмат кўрсатиш механизмлари жорий этиляпти.

Учрашувда пенсия таъминоти бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг аҳоли ижтимоий ҳимоясига таъсири ва амалиётдаги ижроси юзасидан фикр алмашилди. Фуқароларга ёшга доир пенсияларини уларнинг алоҳида муурожаатсиз проактив шаклда тайинлаш, I ва II гуруҳ ногиронлиги белгиланган шахсларга пенсия тайинлаш, айрим компенсацияларни электрон маълумотлар алмашуви асосида белгилаш ҳамда ногиронлик пенсияларини проактив қайта ҳисоблаш механизмларининг жорий этилгани айтилди.



БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичи ҳар бир давлат органи, ҳар бир раҳбар ва ҳар бир масъулдан янгилаш фикрлаши, ташаббускорлигини ҳамда натижадорликни талаб қилмоқда. Президентимиз раислигида жорий йилнинг биринчи ярмида эришилган натижалар ва йил якунигача қилинадиган ишлар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида ана шу масалалар чўқур таҳлил этилиб, устувор вазифалар белгилаб берилди.

Муносабат

Йиғилишда бугунги кунда фақат эришилган натижаларни санаб ўтишнинг ўзи етарли эмаслиги, энди ҳар бир вазир, ҳоким ва тармоқ раҳбари қандай янги имкониятларни ишга солгани, қандай заҳираларни топгани ва йил якунигача қандай аниқ натижага эришишини асосли равишда кўрсатиши зарурлигига тўхталиб ўтилди.

Мамлакатимиз 40 миллионли аҳолисининг фаровон ҳаётини таъминлаш учун мавжуд ўсиш суръатлари билан чекланиб қолмасдан, иқтисодий ўсиш-

ни 9-10 фоиз даражага олиб чиқиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Бу эса барча даражадаги раҳбарлардан мавжуд имкониятларини тўлиқ сафарбар этишни, янги инвестицияларни жалб қилишни, ишлаб чиқариш ва экспортни кенгайтиришни талаб этади.

Йиғилишда ҳудудлар фаолияти танқидий руҳда кўриб чиқилиб, айрим вилоят ва туманларда ялпи ҳудудий маҳсулот, қурилиш, инвестиция ва саноат кўрсаткичлари бўйича мавжуд салоҳият тўлиқ ишга солинмагани очик айтиб ўтилди.



ДАСТЛАБКИ КЎРСАТКИЧЛАР ЧЕГАРА ЭМАС

2026 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиёти 8,5 фоизга ўсди.

Шу жумладан:

саноатда — **8;**

хизматларда — **16,9;**

қурилишда — **13,8;**

қишлоқ хўжалигида **4,7 фоиз** ўсиш суръатлари таъминланди. Шунингдек, инвестициялар ҳажми 28 млрд. долларга, экспорт **14,4 млрд.** долларга етди.



Факт ва рақамлар

ХАВФСИЗ МУҲИТ – КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТНИ ЯХШИЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

➡ Хусусан, 12 мингдан ортиқ ўқувчи ва талабалар иштирокида профилактик тадбирлар ўтказилиб, 567 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган. Шунингдек, 4 мингдан зиёд ёшлар иштирокида очик мулоқотлар ташкил этилган ва юзлаб низоли оилалар билан манзилли профилактик ишлар олиб борилган.

Маҳаллалар ва ижтимоий объектларда видеокузатув тизимлари кенгайтирилиб, 600 дан ортиқ объектлар ҳамда 900 дан зиёд хонадонлар техник кўриқловга олинди. “Менинг инспекторим” платформаси орқали 105 мингдан ортиқ фуқаролар қамраб олиниб, профилактика инспекторлари билан тезкор ва самарали мулоқот механизми йўлга қўйилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида умумий жиноятчилик 1,7 фоиз, олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар эса 9,2 фоиз камайган. Айниқса, аёллар, ёшлар, ишсизлар ҳамда муқаддам судланган

шахслар содир этган жиноятлар сонининг сезиларли қисқаришига эришилган. Ва гиёҳвандлик воситалари ҳамда психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш доирасида 187 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқлангани маълум қилинди.

Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш бўйича амалга оширилган манзилли ишлар натижасида аввал хавфли тоифага киритилган маҳаллаларнинг аксариятида криминоген вазият яхшиланиб, уларнинг хавф даражаси пасайган.

Муҳокама якунида “Йўл харитаси”-да белгиланган вазифаларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш, профилактика ишларини натижадорлик асосида ташкил этиш, рақамли назорат механизмлари орқали ижро интизомини мустаҳкамлаш, давлат органлари ва маҳалла институтлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш вазифалари белгиланди.

«Халқ сўзи».

МАҲАЛЛАЛАРДАГИ МУАММОЛАРГА ЕЧИМ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов ҳамда сенатор Зумрад Бекатова Қашқадарё вилоятида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўтарилган тизимли муаммоларнинг ҳал этилиши ҳолатини кўздан кечирди.

Ўрганиш

Ўрганишлар Қарши шаҳридаги Арабхона, Чўлқувар ва Табассум маҳаллаларида ҳамда Қарши туманидаги Бунёдқор маҳалласида ташкил этилди.

Жараёнда фуқаролар мурожаатлари асосида амалга оширилган ишлар, аҳоли учун яратилган шарт-шароитлар, ижтимоий ва коммунал инфратузилма объектларининг ҳолати, тиббий хизмат сифати ҳамда долзарб масалалар-

нинг ижросига эътибор қаратилди. Маҳаллаларда йўл, ичимлик суви, электр энергияси, ободонлаштириш, бандлик, ижтимоий ҳимоя ва бошқа долзарб масалалар бўйича мурожаатлар ижроси юзасидан масъул ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди. Аҳоли билан бевосита мулоқот ўтказилиб, аввалги мурожаатларда кўтарилган масалаларнинг ҳал этилиши ҳамда фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилди.

Жумладан, Арабхона маҳалласи аҳолисининг эҳтиёжидан келиб чиқиб 7-сонли оилавий поликлиникада чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилди. 318 нафар фуқаро кўриқдан ўтказилиб, уларнинг саломатлиги кўздан кечирилди, хавф гуруҳига кирувчи шахслар аниқланди ҳамда қўшимча текширув ва даволашишга муҳтож фуқароларга тиббиёт муассасаларига йўланмалар берилди.

Ўз навбатида, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш, тўғри овқатланиш ва мунтазам тиббий кўриқдан ўтиб туриш юзасидан тиббий маслаҳатлар ҳамда профилактик тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

➡ Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда давлат томонидан ҳудудларни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва инфра-тузилмани яхшилаш учун катта маблағлар ажратилмоқда. Аммо ушбу маблағларнинг самарасини оддий фуқаро ўз ҳаётида ҳис қилмаса, тадбиркорнинг муаммолари қамаймаса, бундай кўрсаткичлар фақат статистик рақам бўлиб қолиши бу катта муаммодир.

Шу нуқтаи назардан, энди “қоғоздаги натижа эмас, амалий натижа керак” деган талабни барча раҳбарлар ўзи учун дастуриямол сифатида мақсад қилиб олишлари белгилаб берилди. Ҳар бир ва-зир ёки ҳокимнинг фаолияти, энг аввало, одамларнинг турмуш сифати, бандлиги, даромади ва яшаш шароити яхшиланишида намоён бўлиши кераклигига ургу берилди.

“Маҳалла еттилиги” фаолиятини тубдан янгича ташкил қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди ва “Долзарб 40 кунлик” доирасида мамлакатдаги энг мураккаб 2 мингта маҳаллада янги бошқарув тизимини жорий этиш бўйича аниқ вазифалар аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Мазкур тизимга кўра ҳокимлар электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, йўллар ва бошқа муҳим инфратузилма масалалари бўйича шахсан жавобгар бўлиши, бандлик тизими масъуллари эҳтиёжманд оилалар билан манзилли ишлаш, уларни касб-хунарга ўқитиш, иш билан таъминлаш ва даромад-ни ошириш чораларини кўриши ва маҳалла тизими раҳбарларига эса кўчалар ободлиги, яшаш маданияти-ни юксалтириш, экологик муҳитни яхшилаш ва ҳудудлар-ни кўкаламзорлаштириш бўйича аниқ вазифалар юклатилди. Албатта, ушбу ёндашув муҳим аҳамиятга эга, чунки маҳалла — давлат ва жамият ўртасидаги энг муҳим бўғин ҳисобланади. Айнан маҳаллада фуқароларнинг муаммолари ўз вақтида аниқланса ва тезкор ҳал этилса, бутун ҳудуд тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Йиғил-иш-да банк-ти-зими фаолияти ҳам жиддий та-нқид қилинди. Давлатимиз раҳбари банклар аҳолига ва тадбиркорларга яқинлашиши, маҳаллаларда ҳақиқий молиявий ҳамкор сифатида ишлаши за-рурлигини таъкидлаб ўтди.

Энди банк фақат кредит ажратадиган муассаса эмас, балки бизнес лойиҳаларни шакллантирадиган, экспортни ривожлантиришга қўмаклашадиган шерик бўлишига алоҳида ургу берилди.

Яна бир муҳим жиҳат — тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш масаласи. Бугунги кунда мамлакатимизда 51 та ва-зирлик ва идорада молиявий жарима қўллаш ваколати мав-жудлиги, сўнгги йилларда триллионлаб сўмлик жарима-лар қўлланилгани бу тизим-ни қайта кўриб чиқиш даври келгани таъкидлаб ўтилди.

Назорат қилувчи органлар-нинг асосий вазифаси жазо-лаш эмас, балки тадбиркорга тўғри йўл кўрсатиш, хатола-рни бартараф этишга қўмак-лашиш бўлиши кераклиги, ай-ниқса, экспорт қилувчи кор-хоналар учун ортиқча йиғим-лар ва бюрократик тартиб-таомилларни қисқартириш иқтисодиёт ривожланишига олиб келиши ҳар доимгидек давлатимиз раҳбарининг эътиборидан четда қолмади.

Белгилаб берилган вазифа-лар ҳаётий зарурат бўлиб, мам-лакатимиз иқтисодиётини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш ва ҳудуд-ларда сайловчилар билан уч-рашувлар давомида кўтарилган муаммоларни тегишли давлат органлари билан ҳамкорликда ҳал этиш, қонунчиликни янада такомиллаштириш ва ислохот-ларнинг амалий самарасини таъминлаш биз, депутатлар-нинг устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Бахтиёр АРТИҚОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.

ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР ТАҲЛИЛИ

Аҳоли билан очик мулоқот ўтказиш, ҳудудлардаги ижтимоий масалаларни ўрганиш ва давлат дастурлари ижросини назорат қилиш маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Ана шундай ўрганишлар доирасида депутатлар маҳаллалар, таълим ва тиббиёт муассасаларида бўлиб, аҳолига яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда амалга оширилаётган лойиҳалар билан яқиндан танишмоқда.

Депутат ва ҳаёт

Хусусан, халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши депутати Санжар Жалолов ўз сайлов округидаги маҳаллаларда аҳоли билан учрашувлар ўтказди ҳамда ижтимоий объектлар фаолияти ва давлат дастурлари ижросини ўрганди. Дастлаб Пахтакор маҳалласидаги ижтимоий ҳолат билан танишилди. Учрашувлар да-вомида фуқароларнинг мурожа-атлари, кундалик ҳаётда дуч келаётган муаммо ҳамда таклиф-лари тингланди.

Ўз навбатида, маҳаллада иж-тимоий хизматлар кўрсатиш ти-зими ҳам таҳлил қилинди. Ижти-моий реестрда рўйхатда турган 20 фуқаронинг 10 нафари дав-лат таъминотига олинган, яна 3 нафари камбағалликдан чиқа-риш дастури доирасида манзил-ли қўллаб-қувватланмоқда.

Ўрганиш давомида депутат 81-умумтаълим мактабида 2026 йилги “Ташаббусли бюджет” жараёнларининг биринчи мавсуми доирасида амалга оширилаётган курилиш ва таъмирлаш ишларини ҳам кўздан кечирди. Мактаб раҳ-барияти ва ота-оналар билан мулоқотда таълим муассасасида яратилган шароитлар, бажари-лаётган ишлар сифати ҳамда аҳамияти муҳокама қилинди.

Шундан сўнг депутат 26-оила-вий поликлиника фаолияти билан танишди. Мазкур тиббиёт муас-сасаси Пахтакор, Нишабарик, Шофайзи боғи, Дегрез, Шарқ Юлдузи, Богичинор ва Кўчка-Октепа маҳаллаларида яшовчи 30 мингдан зиёд аҳолига бирла-мачи тиббий хизмат кўрсатиб кел-моқда. Муассасанинг моддий-техника базаси кўздан кечирилиш чоғида мавжуд 171 та компью-тер техникасига қўшимча равиш-да 40 та компьютер ҳамда узлук-сиз электр таъминотини таъмин-ловчи UPS қурилмасига эҳтиёж борлиги аниқланди.

Ўрганиш чоғида аҳолига кўрса-тилаётган ижтимоий ва тиббий хизматлар сифатини янада оши-риш, “Ташаббусли бюджет” лойиҳалари ижросини тизимли назорат қилиш, фуқаролар муро-жаатларини ўз вақтида ва ман-зилли ҳал этиш бўйича мутасад-ди ташкилотлар ҳамда масъуллар-га тегишли тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

ДАВЛАТ ХАРАЖАТЛАРИ МАРКАЗИДА — ИНСОН МАНФААТЛАРИ

➡ Натижада ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамлар, ҳақиқатан ҳам, муҳтож фуқароларга манзилли етказилмоқда, ортиқча бю-рократик жараёнлар қисқариб, аҳоли учун қулай тизим яратилди.

Ижтимоий давлатнинг амалий ифо-даси, аввало, Давлат бюджети орқа-ли намоён бўлади. 2025 йил учун тас-диқланган Давлат бюджетида ижти-моий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари 170 трлн. сўмдан зиёд этиб белгилангани инсон капитали мамлакат тараққиё-тининг энг муҳим устувор йўналиши эканини яна бир бор тасдиқлайди. Мазкур маблағлар ҳисобидан таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий нафақа-лар, пенсия таъминоти, болалар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган шахсларга хиз-мат кўрсатиш ҳамда ижтимоий хиз-матлар тизимини ривожлантириш бўйича кенг қамровли дастурлар мо-лиялаштирилмоқда. Бу рақамлар дав-лат харажатларининг марказида инсон манфаатлари турганининг аёқол намоёнидир.

Сўнгги йилларда юртимизда кам-бағалликни қисқартириш ҳам давлат сиёсатининг мустақил ва устувор йўналиши сифатида шаклланди. Ил-гари фақат ижтимоий ёрдам бериш-га қаратилган ишлардан бугунги кунда аҳолини касб-хунарга ўқитиш,

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш ва оила-ларнинг барқарор даромад манбаини шакллантиришни қамраб олган ком-плекс тизимга айланди. Бунинг на-тижаси ўлароқ минглаб фуқаролар ижтимоий нафақа олувчи қарам ин-сондан иқтисодий жиҳатдан муста-қил ҳаёт кечираётган фаол фуқаро-га айланыпти. Албатта, бу ўз-ўзи-дан бўладиган жараён эмас. Бу — ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим на-тижаси.

Ижтимоий ҳимоя тизимининг яна бир муҳим хусусияти, унинг маҳалла институти билан узвий боғлангани-дир. Маҳаллаларда ижтимоий ҳодим-лар фаолиятининг йўлга қўйилиши, аҳолининг ижтимоий аҳолини хона-донбай ўрганиш, оғир ҳаётий вазия-тга тушган оилалар билан индивид-уал ишлаш тизими инсонга яқин ва манзилли хизмат кўрсатиш имконини берапти. Бу эса ёлғиз кексалар, но-гиронлиги бўлган шахслар, боқувчи-сини йўқотган оилалар ва бошқа эҳтиёжманд фуқароларнинг муаммо-лари ўз вақтида аниқланиб, уларга комплекс ёрдам кўрсатилишига са-баб бўляпти.

Жамиятнинг инсонпарварлик дара-



жасини белгилайдиган яна бир омил борки, ундан асло кўз юмиб бўлмай-ди. Бу — ногиронлиги бўлган шахс-ларга муносабат. Шу жиҳатдан Ўзбе-кистонда асосий эътибор ногиронли-ги борларни фақат ижтимоий нафа-қалар билан таъминлашга эмас, бал-ки инклюзив таълимни ривожланти-риш, меҳнат бозорига интеграция қилиш, жамоат инфратузилмасини мослаштириш, тиббий ва ижтимоий реабилитация хизматларини кен-гайтириш ҳамда техник воситалар би-лан таъминлашга қаратилмоқда. Бу ёндашув инсоннинг жамият ҳаётида тенг иштирок этиши учун зарур ша-роитларни яратишга хизмат қилади.

Юртимизда ижтимоий ҳимоя соҳа-сида амалга оширилаётган ислохот-лар давлатнинг инсонга муносабати тубдан ўзгарганини кўрсатмоқда. Бун-да давлат фақат моддий ёрдам бе-рувчи эмас, балки инсоннинг билим олиши, меҳнат қилиши, муносиб да-ромад топиши, ўз қобилиятини намо-ён этиши ва жамият ҳаётида фаол қатнашиши учун имконият яратувчи куч сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу ёндашув эса Янги Ўзбекистонда бар-по қилинаётган ижтимоий давлатнинг энг муҳим мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Анвар ТҲҲИЧЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси.

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Юртимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Турли миллат ва элат вакилларининг тинч-тотув, ҳамжиҳатликда яшashi, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, миллий-маданий қадриятларини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилган ислохотлар бугун Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омилига айланди.

Мушоҳада

30 июль — Халқлар дўстлиги куни арафаси-да ана шу эзгу қадриятларни яна бир бор эъти-роф этиш, юртимизда қарор топган Ўзаро ҳур-мат, бирдамлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутат-ларининг фикр-мулоҳазалари шу ҳақда.

Нодира ЖОНИБЕКОВА,
Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси аъзоси:

— Ўзбекистон азалдан тур-ли миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшаб келаётган бағрикенг юртдир. Бугун мам-лакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар, 16 та дин-ний конфессия вакиллари ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитида ҳаёт кечирмоқда. Президентимиз раҳ-барлигида амалга оширилаётган очик ва ин-сонпарвар давлат сиёсати натижасида миллат-лараро тотувлик ва диний бағрикенглик Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида изчил таъмин-ланмоқда.

Бу борада турли миллат вакилларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мил-лий-маданий марказлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, халқ дипломатиясини ривожланти-

риш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий ва институцио-нал асослар яратилди. Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида са-марали ҳамкорлик тизими шаклланди. Айни пайтда мамлакатимизда 157 та миллий-мада-ний марказ, 42 та дўстлик жамияти ҳамда хо-рижда 100 дан ортиқ ватандошлар бирлашма-лари фаолият юритмоқда.

Барча миллат вакилларининг тили, мадания-ти ва миллий аңьаналарини асраб-авайлаш учун кенг имкониятлар яратилган. Фуқаролар 7 тилда таълим олиш имкониятига эга. Теле-радио кўрсатува ва эшиттиришлари 12 тилда эфирга узатилади, босма оммавий ахборот во-ситалари эса 10 дан ортиқ тилларда нашр этил-моқда. Бу мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни таъминланишига қаратилаётган эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир.

Турли миллат вакиллари давлат бошқаруви, иқтисодиёт, тадбиркорлик, илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт соҳаларида фаол иштирок этиб, мамлакатимиз тараққиётига му-носиб ҳисса қўшмоқда. Улар орасида депутат ва сенаторлар, олимлар, тадбиркорлар, ишлаб чиқариш вакиллари, санъаткорлар, спортчилар ҳамда юксак давлат муқофотлари соҳиблари-нинг борлиги мамлакатимизда тенг имконият-лар таъминли ҳаётда ўз ифодасини топаётга-нини кўрсатади.

Хусусан, Сирдарё вилоятида ҳам миллат-лараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳити мус-таҳкам қарор топган. Бугун бу ерда 70 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳилиқда меҳ-

нат қилиб, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ри-вожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Миллий-ма-даний марказлар ёшларни ватанпарварлик ру-ҳида тарбиялаш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, халқ дипломатиясини ривожлантириш ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашда фаол иштирок этмоқда.

Халқ вакили сифатида миллатлараро тотув-лик ва бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш, қабул қилинаётган қонунлар ижроси устидан таъсир-чан парламент назоратини амалга ошириш бун-дан буён ҳам устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади. Зеро, юртимиздаги тинчлик, ҳам-жиҳатлик ва ўзаро ҳурмат муҳитини асраш Янги Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим шартла-ридан биридир.

Юлдуз МАМАДИЁРОВА,
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси:

— Сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида Ўзбекистон ташки сиёсати-нинг устувор йўналишларидан бири — Марказий Осиё мам-лакатлари билан янги қўшни-чилик, ўзаро ишонч ва ама-лий ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эъти-бор қаратилмоқда. Бу сиёсат натижасида мин-тақада мутлақо янги ҳамкорлик муҳити шакл-ланди. Кўп йиллар давомида ҳал этилмай кел-ган қатор масалалар ўзаро ҳурмат ва мулоқот асосида ечим топмоқда.

Қирғизистон ва Тожикистон билан давлат чегараларини делимитация қилиш бўйича эришилган келишувлар, чегараолди ҳудудла-рида ҳамкорликнинг кенгайиши, фуқаролар қат-нови учун яратилган қулайликлар халқлар ўрта-сидаги ишончни янада мустаҳкамлади. Марка-

зий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари эса минтақа манфаатларига дахлдор масалаларни биргаликда ҳал этиш-нинг самарали механизмига айланди.

Марказий Осиёда янги қўшничилик, ўзаро ишонч ва стратегик шериклик муносабатлари-ни мустаҳкамлашга қаратилган изчил сиёсат бутун минтақада янги ҳамкорлик муҳитини шакллантирди. Ўзбекистон, Қирғизистон ва То-жикистон давлат чегаралари туташган нуқтада қад ростлаган “Дўстлик” стеласи халқларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва бирдамликнинг ёрқин тимсоли бўлди.

Бугун минтақа давлатлари хавфсизлик, транс-порт-коммуникация, савдо, энергетика, сув ре-сурсларидаги оқилона фойдаланиш, экология ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни изчил ривож-лантирмоқда. Таълим, маданият, спорт ва тури-зм соҳаларидаги қўшма лойиҳалар халқлар ўртасидаги ўзаро англашувни мустаҳкамлаб, ёш авлодни янги қўшничилик ва бағрикенглик ру-ҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Бу жараёнда парламент дипломатияси ало-ҳида аҳамиятга эга. Парламентлараро ҳамкор-ликни кенгайтириш, қонунчиликни такомиллаш-тириш ва халқаро парламент майдонларида мамлакатимиз ташаббусларини илгари суриш орқали халқлар ўртасидаги ишонч ва ҳамжи-ҳатликни янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшилмоқда.

Халқлар дўстлиги куни арафасида ана шу юксак қадриятларни яна бир бор эътироф этиш муҳим аҳамиятга эга. Қўшни давлатлар билан дўстлик ва ишонч муҳитини янада мустаҳкам-лаш мамлакатимиз ташки сиёсатининг устувор йўналиши бўлибгина қолмай бутун Марказий Осиёнинг тинчлиги, хавфсизлиги ва барқарор тараққиётининг муҳим қафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

«Халқ сўзи».

Жорий йил якунига қадар умумий қиймати 600 млн. доллар маблағ йўналтириш эвазига мамлакатимизда 1,6 минг километр ичимлик суви ва 387 километр канализация тармоғи, 80 та сув ҳамда 29 та оқова сув иншоотлари қурилади.

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ
СОҲАСИДАГИ ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Шунингдек, пенсия таъминоти соҳасида рақамли технологияларни кенг қўллаш, фуқароларга бўлажак пенсия миқдори ҳақида олдиндан маълумот олиш имконини берувчи “Менинг пенсиям” онлайн хизматини ривожлантириш, пенсия тизимида электрон маълумотлардан фойдаланишни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Урашувда пенсия тизимининг келгуси ривожланиши билан боғлиқ стратегик масалалар ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, жамғариб бориладиган пенсия тизимини янада кенг шакллантириш, хусусий ва корпоратив пенсия тизимларини равақ топтириш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан бирга, пенсия ҳисоблашда фуқароларнинг меҳнат фаолияти ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ ҳисобга олиш, пенсия миқдорини ҳисоблаш механизмларини такомиллаштириш ва тизимнинг адолатлилиги ҳамда барқарорлигини таъминлаш масалалари эътибор марказида бўлди.

Адҳамбек ИСМОИЛОВ, кўмида аъзоси:
— Пенсия тизимини модернизация қилиш жараёнида

фуқароларнинг ахборот олиш, пенсия ҳисоб-китоблари билан таъминлаш, маълумотлардаги хато-хатоларни тузатиш ва қабул қилинган қарорлар устидан шикоят бериш ҳуқуқларининг ишончли қўлланганини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Мулоқот давомида пенсия таъминоти соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш, фуқароларнинг электрон маълумотларини кўриш ва хатоларни тузатиш имкониятларини кенгайтириш, пенсия тайинлаш ва қайта ҳисоблаш жараёнларида шаффофлиқни таъминлаш бўйича тақдирлар билдирилди.

Урашув якунида соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва пенсия таъминоти тизимини, шунингдек, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича билдирилган тақдирларни умумлаштириш ва тегишли чора-тадбирларни белгилашга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК —
БОШ МЕЗОН

Республика Судьялар олий кенгаши фаолиятида очиқлик, ошқоралик ва шаффофлик асосий меzon ҳисобланади. Бунда кенгаш ҳузуридаги Судьялар клубининг онлайн форумида одоб қоидаларига риоя этиш ва ягона суд амалиётини жорий этишга кўмаклашиш тизими яратилганлигининг аҳамияти катта бўлмоқда. Ушбу онлайн форумда суд амалиётига оид 14 мингта мавзу бўйича ўзaro 550 минг маротаба фикр алмашилди, қонунчиликни такомиллаштиришга оид 1850 та тақлиф берилди.

Анжуман

Матбуот анжуманида шу хусусда батафсил фикр юритилди ва унда кенгаш раиси Холмўмин Ёдгоров 2026 йил биринчи ярим йилликдаги фаолият тўғрисида маъруза қилди.

Нотиқ Судьялар олий кенгаши ва малака хайбатлари қошида ташкил этилган Судьялар одоб комиссиялари томонидан 8 та масала кўриб чиқилганга тўхталиб, судьяларнинг Одob кодексига сўзсиз риоя қилишини таъминлаш ва тизимда коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш борасида олиб борилган ишлар натижасида судьялик қасамёдини бузгани ҳамда кодекс талабларига риоя этмагани учун 13 нафар судьянинг ваколати муддатидан илгари тугатилганини қайд этди.

— Судьялар олий кенгаши фаолиятининг асосий йўна-

лишларидан бири — судьялар корпуcини энг муносиб, малакали, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислохотлар талабларига мос равишда фаолият юритадиган судьялар ҳисобига шакллантириш борасида қатор ишлар амалга оширилаётир, — дейди кенгашнинг ахборот-таҳлил шўъбаси раҳбари Хуришд Содиқов. — Хусусан, ошқоралик принциплари асосида ўтказилган судьялик лавозимларига танловларда 471 нафар судья вазифага тайинланган. 2026 йил 1 июль ҳолатига кўра, 79 та (4,6 фоиз) вакант лавозим мавжуд.

Анжуманда сўз олган масъулларнинг қайд этишча, кенгаш томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг 5206 та муурожаати ўрганиб чиқилган.

Улукбек РЎЗИМАТОВ («Халқ сўзи»).

АВВАЛ ҚИШЛОҒИ ЭНДИ АВВАЛГИДЕК ЭМАС

Фаргона туманидаги Аввал қишлоғига чор тарафдан кириб келаверишда қир-адирлар, мевали боғлар, шовуллаб оқадиغان сойлар хусну латофатда бир-бири билан бўйлашаётгандек гўё. Қадрдон қир-адирларда эрта кўкламда гуллар ийманиб салом беради. Чучмома, бинафша, лолақизғалдоқлар борлиққа ифориин таратади. Қалдирғочлар тинч-осойишта уйлар айвонларига қайтиб, янги кун — янги ҳаётга интилади. Аввалнинг бепоён далалари, боғларида меҳнат симфонияси жаранглайди.

Туризм

Умуман олганда, Шоҳимардон, Ёрдон, Водал, Чимён, Аввал каби ўнлаб қишлоқлар Фаргона туманининг ўзига хос “таширф қорғоз”ларидир. Хусусан, Аввал қишлоғи минералларга бой ва бир-биридан фарқ қилувчи мингга яқин табиий булақлари билан ҳам қадимдан сайёҳлар эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда.

Айни пайтда Аввал қишлоғи ҳудудига қирувчи Аввал, Мозортаги, Қорасув, Бирдамлик ва Гулистон маҳаллаларида қарийб 20 минг аҳоли истиқомат қилади. Бу ҳудудларда туризм асосий драйвер бўлиб, ҳозирда 200 дан ортиқ хизмат кўрсатиш объектлари фаолият кўрсатмоқда.

— “Аввал” кўнгилочар туризм мажмуасини барпо этиш бўйича амалий саъй-ҳаракатлар бошланган, — дейди “Фаргона” туристик-рекреацион зонаси дирекцияси раҳбари Садафбек Ҳусанбоев. — Айни жараёнда ҳудуддаги диққатга сазовор масканлар, хусусан, XVII асрга оид Хўжампошшо тарихий ёдгорлиги ҳамда унинг туризм салоҳияти, Ҳамза уй-музейи, дам олиш масканлари, хиёбон атрофлича ўрганилди. Президентимизнинг шу йил 12 январдаги “Фаргона” туристик-рекреацион зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Аввалда туризмни замонавий мезонлар асосида янада ривожлантириш учун муҳим дастуриламал бўлиб

Ҳамкорлик

Бугун озик-овқат хавфсизлиги масаласи, глобал иқлим ўзгариши, сув танқислиги, геосиёсий беқарорлик ва глобал логистикадаги узилишлар кўплаб давлатларни жиддий ташвишга солмоқда. Мана шундай мураккаб шароитда Президентимизнинг узoқни кўзлаб олиб бораётган оқилona сиёсати бошқа давлатлар қатори Беларусь Республикаси билан ҳамкорликда яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон — Беларусь:

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИГА КЕНГ ЙЎЛ

Гап шу йилнинг 8-9 июль кунлари давлатимиз раҳбарининг Беларусь Республикаси Президенти таклифига биноан ушбу мамлакатга қилган расмий ташрифи, ўзaro савдо ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш, шу мақсадда 310 та лойиҳани амалга ошириш бўйича келишувлар хусусида бoрмоқда.

Қарийб 10 миллионга яқин аҳоли яшайдиган мамлакат ҳудудининг 40 фоизи, яъни 8 млн. гектари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган. Беларусьдаги бу улкан иқтисодий захира ўзбекистонликлар учун янги имкониятлар эшигини очини тайин. Чунки республикаимиз аҳолиси 39 млн. кишидан ошди, шунга мос равишда ер ва сув ресурсларига бўлган талаб ва эhti-ёж йил сайин кучаймоқда. Беларусьда қишлоқ хўжалиги лойиҳаларини амалга ошириш ички бозорни озик-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлашда жуда кўл келади.

Бу уринда гап тайёр маҳсулотни импорт қилиш ҳақида кетмаепти, аксинча, Ўзбекистон фермерлари, тадбиркорлари ва агрокластерларининг Беларусь ҳудудига инвестиция қиритиб, экин ерларидан самарали фойдаланиши, чорвачилик мажмуалари ташкил этиши, маҳсулотни кўшма корхоналар орқали ишлаб чиқариш ҳақида бoраётир. Бу, ҳеч шубҳасиз, икки давлат учун ҳам бирдек манфаатлидир.



борасида катта тажриба тўплади. Бу салоҳиятни нега Беларусьда қўлламаслик керак?

Давлатимиз раҳбарининг Беларусь Республикасига амалга оширган расмий ташрифи давомида эришилган келишувларнинг ҳаётдаги ижросига бағишланган тақдиротда қишлоқ хўжалигига оид бир қатор аниқ лойиҳалар белгиланди. Президентимиз ушбу келишувларни қисқа муддатларда амалий натижага айлантириш, тадбиркорлар учун қулай шароитлар яратиш муҳимлигини таъкидлади. Андижон вилояти ва Беларусунинг Витебск вилояти ўртасидаги ҳамкорлик натижаларига эътибор қаратилди. 255 нафар андижонликнинг ташкилий асосда Витебск вилоятига ишга жўнатилгани ҳам айtilди. Келгусида бу рақам янада кўпайиши мумкин. Чунки Андижонда ерга нисбатан аҳоли кўп, нуфус йил сайин ортмоқда, деҳқончилик маданияти, одамларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга бўлган талаби эса юқори.

ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ РАМЗИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бакалавриятининг “Тергов фаолияти” йўналишини тамомлаган илк битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир

Тадбирда мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари раҳбарлари, давлат идоралари вакиллари, прокуратура органлари фахрийлари,



академия профессор-ўқитувчилари ҳамда битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Бош прокурор Ниғматилла Йўлдошев битирувчиларга улар энди давлатнинг ишончли вакили ва халқ хизматкори сифатида жамиятда адолат ҳамда

қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун масъул эканини уқтирди. Одамлар терговчи тимсолида ҳақиқат ва адолатнинг мустаҳкам таянчини, ўз ҳуқуқларининг ишончли ҳимоячиси-

мутахассисларнинг кундалик фаолиятида бош мезон бўлиши зарур. Битирувчиларга ҳар қандай қонунбузарликка мурасосиз бўлиш, жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш ҳамда давлат томонидан билдирилган ишончни ҳалол меҳнат билан оқлаш зарурлиги уларнинг энг муҳим касбий бурчи экани ургуланди.

Дипломларни ёш мутахассисларга Бош прокурор, ички ишлар вазири, Давлат хавфсизлик хизмати раиси ўринбосари, Миллий гвардия қўмондони ва Божхона кўмитаси раиси топширди. Ўқишни энг юқори натижалар билан тамомлаганларга имтиёзли дипломлар берилди.

— Битирувчиларнинг касбий келажаги ҳам таълим ислотининг амалий самарасини кўрсатади. Уларнинг 147 нафари ички ишлар, 51 нафари прокуратура, 18 нафари божхона ва 3 нафари давлат хавфсизлик хизмати органларида фаолият бошлайди, — дейди Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Жамоатчилик

билан алоқалар бўлими бошлиғи Санобар Мансурова. — Ёш мутахассисларнинг офицерлар таркибига қирувчи ёки даражали ўнвон берилиши назарда тутилган лавозимларга йўналтирилгани уларга билдирилган юксак ишонч билан бирга, зиммаларидаги катта масъулиятни ҳам англайди.

Маросимда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фахрийлари ва битирувчиларнинг ота-оналари ҳам сўзга чиқиб, ёш мутахассисларга оқ йўл тилашди. Улар академияда олинган билим ҳамда касбий қўникмалар кундалик хизмат фаолиятида, жиноятлар устидан ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолис тергов олиб бoрилишида, далилларга ҳурмат билан ёндашиш ҳамда қонунга оғишмай риоя этиш орқали намоён бўлишини таъкидлашди.

Маросим якунидаги концерт дастури тантананинг байрамона руҳини янада бойитиб, иштирокчиларга унутилмас таассурот улашди.

«Халқ сўзи».



Беларусда 11 та чорвачилик мажмуаси негизида янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувга эришилган. Умуман олганда, Витебск ва Беларусунинг бошқа ҳудудларида чорвачилик, ёғочни қайта ишлаш, логистика, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида қиймати 100 млн. доллардан зиёд бўлган 30 та янги лойиҳа шакллантирилгани ҳам эътиборга молик.

Президентимиз томонидан Андижон — Витебск ҳамкорлик моделини бошқа ҳудудларда ҳам жорий этиш бўйича топшириқ бeрилиб, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари ҳам Беларусунинг турли вилоятларига бириктирилиши, ҳар бир ҳудуд учун алоҳида “йўл хариталари” ишлаб чиқирилиши кўзда тутилган. Аҳамиятлиси, ҳар бир ҳудуддан 30 нафардан етакчи тадбиркор Беларусга бoриб, маҳаллий шериклар билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириши белгиланганидир. Бу рақамлар ҳамкорлик муносабатлари амалий тус олганини кўрсатади.

Келгусида икки мамлакат ўртасида логистика соҳасида ҳам алоқалар кўлами янада кенгайди. Йил якунига қадар Орша станциясида экспорт-импорт юклари учун интермодал логистика марказини ишга тушириш, икки давлат ўртасида тўғридан-

тўғри блок-поездлар қатновини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Президентимиз давлатларaro имзоланган ҳар бир келишув аниқ лойиҳа, янги ишлаб чиқариш, қўшимча савдо ҳажми ва муносиб иш ўринларида ўз ифодасини топиши лозимлигини таъкидларкан, масъулларга барча “йўл қаратилари” ижросини доимий назорат қилиш бўйича топшириқлар берди.

Эътироф этиш лозимки, Беларусь чорвачилик соҳасида ҳам катта тажрибага эга давлатлардан бири ҳисобланади. У ерда сутчилик, насличилик, ем-хашак тайёрлаш, ветеринария хизмати ва қишлоқ хўжалиги механизацияси даражаси юқори. Шу боис қишлоқ хўжалиги соҳасида йўлга қўйилаётган ҳамкорлик фермерларимиз ва аграр тармоққа ихтисослашган тадбиркорларимиз учун мутлақо янги имкониятлар эшигини очади. Кенг ер майдонлари, замонавий чорвачилик инфратузилмаси, илғор агротехнологиялар ва қўшма инвестиция лойиҳалари мамлакатимиз аграр соҳасининг янги “ўсиш нуқталари”га айланиши мумкин. Бу, ўз навбатида, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, озик-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ақтам ҲАЙТОВ, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси.



АНДИЖОН ШАҲРИДА
ОҚОВА СУВ ТАРМОҒИ
ЯНГИЛАНМОҚДА

Айни кунларда Андижон шаҳрининг Ўзбекистон кўчаси улкан қурилиш майдонига айланган. Жумладан, муҳандислик иншоотларидан бири — асосий оқова сув тармоғини тўлиқ янгилаш ишлари жадал суръатларда олиб бoрилмоқда.

Модернизация

Мазкур тармоқ 1969 йилда қурилган бўлиб, қарийб ярим аср давомида халққа хизмат қилиб келди. Табиийки, вақт ўтиши билан қувурлар эскирди, емирилди ва бугунги кун талабларига жавоб бeрмайдиган ҳолатга келди. Натижада ҳар йили икки-уч жойда авария ҳолатлари кузатилиб, таъмирлаш ишлари узлуқсиз давом этарди.

Халқимизда “Эскини эплагунча эсинг кетади” деган нақл бежиз айтилмаган. Бир нуқсон бартараф этилса, орадан кўп ўтмай тармоқнинг бошқа қисмида яна носозлик юзага чиқарди. Айниқса, бу шаҳарнинг асосий оқова сув магистралли бўлгани учун келиб чиққан ҳар қандай носозлик минглаб аҳолининг кундалик турмушига таъсир кўрсатарди. Айрим маҳаллаларда оқова сувнинг қайтиши, нохуш ҳидлар пайдо бўлиши, таъмирлаш ишлари туфайли йўл ҳаракатининг чекланиши одамларга анча ноқулайлик туғдирган.

— Бу қувурлар узoқ йиллардан бери хизмат қилиб келарди, — дейди Форобий номидagi МФЙда истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Аҳмаджон Назиров. — Кейинги йилларда эса тез-тез бузиладиган, нохуш ҳид таратадиган бўлиб қолди. Энди эса янги тармоқ қурилаётганидан жуда хурсандмиз. Бу — шаҳар келажаги учун қилинган катта иш.

Президент топшириғи асосида амалга оширилаётган мазкур лойиҳада бугунги кунда тўртта қурилиш ташкилоти иштирок этмоқда. Улар томонидан 8,6 километр узунликдаги оқова сув тармоғи янгидан барпо қилинапти. Лойиҳани амалга ошириш учун 100 миллиард сўм маблағ йўналтирилган.

— Илгари муаммо чиққанда йўллар қавлиниб, таъмирлаш ишлари кўнлаб давом этарди, — дейди шу кўчада истиқомат қилувчи уй бекаси Нигорахон Аҳмадалиева. — Янги тармоқ нафақат бугунги, балки келгуси ўн йилликлар учун ҳам муҳим лойиҳа сифатида аҳамиятли.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, янги қувурлар юқори босимга чидамли, эксплуатация жиҳатидан анча ишончли ҳисобланади. Бу, албатта, авария ҳолатларининг олдини олиш, таъмирлаш харажатларини камайтириш ва аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар сифатини янада яхшилаш имконини беради. Лойиҳа фойдаланишга топширилган, Форобий номидagi маҳаллада истиқомат қилаётган ўн минг нафардан зиёд аҳолининг турмуш шароити янада яхшиланади. Амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар юртимизда инсон қадрини улуғлаш, халқ манфаатини таъминлаш йўлидаги эзгу қадамлардан биридир.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

ҚАЙТА ЯШНАЁТГАН ОРОЛБҲҲ

ЖОРИЙ ЙИЛДА ДЕНГИЗНИНГ ҚУРИГАН ТУБИДА 116,5 МИНГ ГЕКТАР
ЯНГИ ЯШИЛ ҚОПЛАМАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Иқлим ўзгариши инсоният олдида турган глобал муаммолардан бирига айланди. Жаҳоннинг қўллаб минтақаларида қурғоқчилик, чўлланиш, сув танқислиги ва ерлар деградацияси иқтисодиёт, аҳоли саломатлиги ҳамда озик-овқат хавфсизлигига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Марказий Осиё эса мазкур жараёнларни ўзида чуқур ҳис қилаётган ҳудудлардан бири ҳисобланади.

Жорий йилнинг 6 июль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида чўлланишга қарши курашиш ва чўл иқтисодиётини ривожлантириш, шунингдек, “яшил шаҳар” тамойилларини жорий этиш юзасидан ўтказилган тақдирот ана шу глобал муаммоларга аниқ ва тизимли жавоб сифатида катта аҳамиятга эга.

Табиат ва биз

Барқарор экотизим

Тақдиротда энг катта эътибор, табиийки, Оролбўйи ва Қорақалпоғистон Республикасига қаратилди. Бу бежиз эмас. Чунки бугун айнан ушбу ҳудуд дунёдаги энг оғир экологик инқирозларни бошидан кечирмоқда.

Орол денгизи фожиаси фақат сув хавзасининг йўқолиши эмас, бу — бутун бир экологик тизимнинг ўзгариши, миллионлаб инсонлар ҳаётига таъсир кўрсатган глобал муаммо. Қуриган денгиз тубида майдони қарийб 6 миллион гектарга яқин бўлган янги Оролқум чўли шаклланди. Ҳар йили миллионлаб тонна туз ва чанг атмосферага кўтарилиб, юзлаб километрларга тарқалмоқда. Олимлар таъкидлашча, бу зарарчалар нафақат Қорақалпоғистон, балки қўшни давлатлар ва ҳатто узоқ ўлкаларгача етиб бормоқда.

Тузли чанг қишлоқ ҳўжалиги ерларининг унумдорлигини пасайтиради, ҳаво сифатига салбий таъсир кўрсатади, аҳоли ўртасида нафас йўллари, аллергия ва юрак-қон томир касалликлари хавфини оширади. Шу боис давлатимиз томонидан Орол денгизининг сув чекинган қисмида яшил қопламалар барпо этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Расмий маълумотларга кўра, кейинги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида 2 млн. гектардан ортиқ янги ўрмонзорлар ташкил қилинди. Бу дунё миқёсида чўл ҳудудларини кўкаламзорлаштириш бўйича глобал экологик лойиҳалардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Тўқай ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлигидан маълум қилишларича, фақат 2026 йилнинг ўзида Оролнинг қуриган тубида 116,5 минг гектар майдонда янги ҳимоявий яшил қопламалар ташкил этилди. Илгари экилган, ўсувчанлиги паст бўлган 115 минг гектар майдонда тўлдириш ишлари олиб боришмоқда.

2018 — 2026 йиллар давомида эса Оролнинг қуриган тубида 2 млн. 96 минг 900 гектар майдонда саксовул ва бошқа чўл ўсимликлари экилиб, табиатни тиклаш ишлари изчил давом эттирилди.

Бу рақамлар ортида юзлаб мутахассислар, минглаб ишчи-ҳодимларнинг замонавий техникалар ва авиация иштирокида улкан сабот билан қилган машаққатли меҳнати бор.

Саксовул — «чўл қалқони»

Экологлар ҳисоб-китобларига қараганда, ўртача ёшдаги бир тул саксовул ўзининг кучли илдиз тизими орқали бир тоннага-

ча кумни ушлаб қолади. Икки йиллик саксовулзорларда шамол тезлиги ўртача 20 фойзга, олти йиллик саксовулзорларда эса 80 фойзгача камайдди. Энг муҳими, ҳавога кўтариладиган туз ва кум зарралари олти бараваргача қисқаради.

Ушбу рақамлар яшил қопламаларнинг нафақат экологик, балки ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти қанчалик катта эканини кўрсатади.

— Президентимиз томонидан Қорақалпоғистон Республикасига алоҳида эътибор қаратилгани бизни янада катта масъулият билан ишлашга ундамоқда, — дейди Ўзбекистон Экологик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Айсанем Бегимова. — Бугунги кунда Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш нафақат давлат идоралари, балки бутун жамиятнинг умумий вазифасига айланди. Давлат раҳбари белгилаб берган вазифалар ана шу эзгу мақсадга хизмат қилиши билан алоҳида аҳамиятга эга.

Энг муҳими, Президентимиз чўл ҳудудларига фақат экологик муаммо сифатида эмас, балки иқтисодий имкониятлар манбаи ўлароқ қараш зарурлигини таъкидлади. Бу мутлақо янги ёндашув бўлиб, у чўл иқтисодиётини ривожлантириш, табиатни муҳофаза қилиш билан бир қаторда аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ва ҳудуд иқтисодиёти-нинг диверсификациясига хизмат қилади.

Тақдиротда Қорақалпоғистон учун чўл ўсимликлари кўчатхоналарини ташкил этиш, қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар ва уруғлар бўйича минтақавий банк яратиш, галофит ўсимликлар етиштиришни кенгайтириш, Оролқум ҳудудиди илмий тадқи-

қотларни кучайтириш, халқаро инвестициялар ва илғор технологияларни жалб қилиш каби муҳим вазифалар белгиланди. Бу эса экологик мувозанатни тиклаш, ҳавога кўтарилаётган туз ва чанг миқдорини камайтириш билан бирга, маҳаллий аҳоли учун янги даромад манбалари ва иқтисодий имкониятларни ҳам яратди. Айниқса, Оролнинг қуриган тубида саксовул ва

“Расмий маълумотларга кўра, кейинги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида 2 млн. гектардан ортиқ янги ўрмонзорлар ташкил қилинди. Бу дунё миқёсида чўл ҳудудларини кўкаламзорлаштириш бўйича глобал экологик лойиҳалардан бири сифатида эътироф этилмоқда.”

бошқа чўл ўсимликларини экиш тадбирларини изчил давом эттириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Саксовул қумларни мустаҳкамлайди, шамол тезлигини пасайтиради, ҳавога кўтарилаётган туз ва чангнинг тарқалишини пасайтиради. Бу эса экологик барқарорлиқни, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлайди. Шу боис Экологик партия ушбу вазифалар ижросида давлат органлари, олимлар, фуқаролик жамияти институтлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорлиқни янада кучайтиришга тайёр.

Чўлланиш чегара танламайди

Чўлланиш чегара билмайди. Шунинг учун мазкур муаммони фақат бир мамлакатнинг сый-ҳаракати билан ҳал этиш мумкин эмас.

Марказий Осиё минтақавий илмий-тадқиқот марказини ривожлантириш, “Яшил қалқон” дастурини кенгайтириш, 2040 йлгача мўлжалланган чўлланишга қарши кураш стратегиясини ишлаб чиқиш ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Шунингдек, Франция Тараққиёт агентлиги ва Европа инвестиция банки иштирокида амалга оширилаётган қиймати қарийб 48,8 млн. еврога тенг инвестициявий лойиҳа доирасида Қорақалпоғистонда ҳимоя ўрмонзорлари, ботаника боғи, агроўрмончилик тизими ва янги иш ўринлари ташкил этилиши ҳам Президент белгиланган вазифаларнинг амалий ифодаси бўлади.

Бугун Оролбўйида олиб борилаётган кенг кўламли фаолият дунё экологик ҳам-жамияти томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Зотан, экологик хавфларни камайтириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чўл иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда Қорақалпоғистоннинг барқарор келажагини таъминлашга кўп миллатли халқимиз қатъий бел боғлагани қувонарлидир. Қолаверса, бу хайрли ишлар келажақ авлод учун соғлом табиат, барқарор экотизим ва “яшил” тараққиёт пойдеворини яратди. Оролбўйида буй чўзаётган ҳар тул саксовул, ҳар бир яшил қоплама нафақат кумни ушлаб қолмоқда, балки инсоннинг табиат олдидаги масъулияти ва келажаққа бўлган ишончини ҳам мустаҳкамламоқда.

Ғайрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

«ТАЪТИЛДА ТАЪЛИМ»

янги билим ва кўникмаларни эгаллаш учун қулай имкониятдир

Ёзги таътил — ўқитувчи ва ўқувчилар учун дам олиш вақти. Аммо бу пайтда билим олиш ва тарбия жараёни тўхтаб қолади, дегани эмас. Сирдарё вилояти Педагогик маҳорат маркази томонидан “Таътилда таълим” лойиҳаси доирасида тақдим қилинаётган турли қизиқарли мавзулардаги видеоконтентлар аини шу мақсадга қаратилаётди.

Янги лойиҳа

Эътиборлиси, мазкур лойиҳа ўқитувчи ёки ўқувчининг дам олиш режасига асло ҳалақат бермайди. Қолаверса, ушбу видеоматериаллар таътилга мос равишда ҳам завқ берадиган, ҳам ўргатадиган шаклда тайёрланаётди. Дейлик, ўқитувчиларга мўлжалланган видеоконтентлар нафақат касбий билим ва илҳом манбаи, балки таълим жараёнини янада самарали ташкил этиш ҳамда кундалик ҳаётда қўл келадиган амалий тавсияларни ҳам ўзида мўжассам этган. Жумладан, “Ўзингизни ўзгариштириш ҳоҳлайсизми?”, “Китоб — энг яқин дўст?”, “Хотира машқи”, “Ўй шароитида совун тайёрлаш” ва “Қайта ишлаш — ижодкорлик ва табиатга ғамхўрлик!” мавзуларидаги ви-



деолар ўқитувчиларнинг шахсий ривожланиши, ижодкорлигини ошириш ҳамда таътил давридаги кундалик фаолияти янада мазмунли ташкил этишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. — Ёзги таътил ўқувчилар дам олиш баробарида, янги билим ва кўникмаларни эгаллаш учун қулай имкониятдир, — дейди Сирдарё вилояти Педагогик маҳорат маркази директори Гуласал Бердиалиева. — Кундалик ҳаётда учрайдиган оддий саволларга жавоб излаган ўқувчилар “Инглиз тилини тез ўрганмоқчимисиз?” ҳамда “Кичик бир қадам — эртанги катта натижанинг пойдевори” номли видеоконтентлар орқали қизиқарли ва амалий маълумотларга эга бўлиши мумкин. Ота-оналар

учун тайёрланган видеоконтентлар фарзанд тарбиясида учрайдиган психологик вазиятларни чуқурроқ англаш ва уларга тўғри ёндашишда ишончли кўлланма вазифасини ўтади.

Хуллас, қисқа, қизиқарли ва амалий видеолар замонавий медиа имкониятлари орқали кенг аудиторияни қамраб олиб, таълимнинг узлуқсизлигини таъминлашда самарали воситага айланди. “Таътилда таълим” — бу шунчаки видеолыиҳа эмас, балки таълим, тарбия ва замонавий ахборот технологияларини уйғунлаштирган, янги педагогик ёндашувнинг ёрқин намунаси ҳисобланади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

Деворларга кўчаётган санъат

Бугун Нурафшон шаҳридаги бир нечта кўп қаватли уйларнинг ташқи кўриниши гўзал ва маҳобатли суратлар билан безатилмоқда. Бу шаҳар кўрқига кўрк қўйишдан ташқари, одамларнинг маънавий оламини, тафаккурини бойитишга ҳам хизмат қилиши билан эътиборга молик.



— Илк намунаси қадимги қўятошларга тушган, бугун эса кўча-кўйдаги деворларга кўнган “стрит-арт”лар тасвирий санъатнинг бир тармоғи ўлароқ кундалик ҳаётимизни безаётгани жуда қувонарли, — дейди Қамолддин Бегзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг регистратор офиси хизмат кўрсатиш менежери Мухлиса Мирфайзиёва. — Инглизчада “кўча санъати” маъносини билдирувчи деворий расмлар, жомат жойлари ва бошқа иншоотлардаги тасвирлар шаҳарга ўзгача жозиба бахш этмоқда.

Дарҳақиқат, чет элларда аллақачон оммалашишга улгурган замонавий кўча санъати яқин йиллардан буюн Ўзбекистон, анқироғи, пойтахт кўчаларида ҳам пайдо бўла бошлаган эди. Эндилкида эса Нурафшон шаҳрида ҳам улар буй кўрсатди. Бир қарашда жозибадор ва ноодатий туюладиган суратларни чиқиш осон эмас, албатта. Нурафшондаги уйлар деворларидаги бу бетакорр тасвирлар Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги олдида шаҳарга ўзгача маҳобат бахш этмоқда.

Отабек ИСРОИЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Болалар жарроҳлиги бўйича маҳорат сабоқлари

Самарқанд давлат тиббиёт университетининг ихтисослаштирилган болалар хирургик клиникасида болалар жарроҳлиги соҳасидаги энг сўнгги ютуқ ва услубларга бағишланган халқаро маҳорат дарси ўтказилди.

Клиника бош шифокори Жамшид Шамсиев ташаббуси билан дунёнинг нуфузли тиббиёт муассасалари ҳамкорлигида ташкил этилган ўқув-амалий машғулотларда Польша, Туркия, Ироқ, Тунис, Босния ва Герцеговина давлатларидан ҳамда юртимиздан таниқли профессорлар, маҳоратли тиббиёт ҳодимлари қатнашди.

Чет эллик мутахассислар ўзбекистонлик шифокорлар билан биргаликда болалар жарроҳлигидаги энг замонавий ва илғор ёндашувларни амалиётда кўрсатиб берди. Минимал инвазив жарроҳлик (кам шикаст етказувчи, кичик кесимлар орқали операция қилиш), интервенцион бронхоскопия ҳамда гипоспадияни жарроҳлик йўли билан даволаш каби мураккаб йўналишлар қамраб олинди.

Ушбу маҳорат дарси нафақат мамлакатимиз мутахассислари, балки қўшни давлатлар шифокорлари учун ҳам катта тақриб мактаби вазифасини ўтади. Унда малака ошириш ва янги технологияларни ўрганиш учун Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан келган шифокорлар ва ординаторлар қатнашди.

Машғулотлар якунида барча иштирокчиларга халқаро даражадаги махсус сертификатлар топширилди.

Абдулазиз ЙЎЛДШОВ
(«Халқ сўзи»).

Қобилият ва прода тантанаси

Наманган шаҳрида шотокан қаратэ-до услубида сурдо қаратэ бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Хоразм, Фарғона, Наманган вилоятлари ва Қўқон шаҳридан эшитиш қобилияти чекланган 120 нафарга яқин спортчи ўғил-қизлар иштирок этиб, турли ёш ва вазн тоифаларида ўзаро куч синашди.



Мусобақа спортчилар ўртасидаги рақобат, эмас, аксинча меҳр-оқибат, бағрикенглик ва тенг имкониятлар тамойилларини тарғиб этувчи муҳим майдонга айланди. Беллашув давомида иштирокчиларнинг техник тайёргарлиги, интизоли ҳамда жанговар руҳи спорт муҳлислари ва мутахассисларининг олқишига сазовор бўлди ва мамлакатимизда инклюзив спортга қаратилаётган эътибор самарасини намойён этди.

Яқуний натижага кўра, Наманган вилояти жамоаси шохсупадан жой олди. Фарғоналик спортчилар иккинчи ўрин ва Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси учинчи ўринни банд этди.

Ўзбекистон спорти тарихида илк бор ўтказилган ушбу чемпионат мамлакатимизда сурдо спорт турларини янада ривожлантириш, янги иқтидорли спортчиларни кашф этиш ҳамда инклюзив спорт муҳитини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Акрамжон САТТОРОВ
(«Халқ сўзи»).

2027 йилда Венециядаги Палаццо Гримани ва Япониянинг Нара миллий музейларида юртимизнинг бронза давридан илк ўрта асрларгача бўлган тарихий акс эттирувчи 200 дан зиёд археологик топилмалар намойиш қилинади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 742. 19 626 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоcи келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахриратта келган кўлаёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг мазмунини берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ғ. Бахромов.

Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6